



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Мамлакатимизда

Газета 1966 йил 1 июндан чиқа бошлаган № 27 (9.524) 2001 йил 5 март, душанба Сотувда эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ

Наврўз нашидаси

Ҳамма жойда бўлганидек умумхалқ байрами Наврўзи оламга пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида ҳам қизгин ҳозирлик кўрилмақда.

Яшариш ва янгиланиш, меҳр-оқибат байрами саналмиш кутлуг кун барчанинг дилига шодиваллик олиб келар экан, унга ўзгача фойз бағишлар, тантанани азалий анъаналаримизга содиқлик билан кутиб олиш туман аҳлининг ҳам эзгу ниятидир. Ана шу мақсадда ўтказилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги уюшқоқлик билан олиб борилмақда.

Туманимиз ҳудуди 8 округга бўлинган, — дейди туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Сайфулла Аҳмедов. — Ана шу округларда 50 та маҳалла жойлашган. Бугун кунда тумандаги барча маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар, муассасалар ва билим масканларида ободончилик, ён-атрофни орасталаш, кўчат экиб боғ яратиш ишлари амалга оширилмоқда. Баҳорнинг байрамлари кишиларимиз қалбига қанчалик завқ уйғотса, уни кўтаринкилик билан кутиб олиш ҳам шунчалик меҳнат талаб этади. Хар кун баҳарининг ишларимиз якуни ниҳоятда эртанги юмушлар режаси аниқ белгиланмоқда. Сирасини айтганда, Нафосат байрами Наврўз туманимиз ахли учун ҳам янгиланиш ва бўшатиши олиб келаётгани бугунги ишларимизда акс этмоқда.

Туманда байрам тантаналари «Тошкент трактор заводи» стадиони ҳама «Боги эрам» истироҳат боғида бўлиб ўтади. Шу боис ҳам айни дамда бу ерларда иш қизгин. Уларни томошабинлар кўнглидагидек орасталаш ва жиҳозлашга, гул

кўчатлари экишга эътибор қаратилмоқда. Шунингдек ойлик давомида кўча ва хиёбонлар кўнглидагидек тозаланади, туманда 5000 тундан ортиқ мева ва манзарали дарахтлар, терак ва буталар, 3,5 минг дона қизил ва оқ атиргуллар экилади.

Халқимизда «Кўчат эк, боғ ярат» деган ажойиб нақл бор. Шу боис ҳам экилган дарахтлар парваришига ҳам масъулият билан қараш лозим. Бу борада туманда шу кунларда қатор ишларни бажаришга эришилмоқда. Дарахтларга шакл бериш, уларнинг тағларини юмшатиш, оқлаш билан бирга ўсимликларни ҳимоя қилиш мақсадида кимевий ишлов ҳам бериляпти. Бунинг учун 5 миллион сўм миқдорда маблағ ажратилган. Шунингдек, дарахтларни сугориш мақсадида «6-Қорасу» мавзесига сув чиқариш учун насос қўйишга ҳаракат қилинмоқда. «Сайрам», Қодирова, Володар кўчалари кенгайтирилиб, тартибда келтирилмоқда.

Ҳозирда туманда «Махсус-транс» ҳамда ташкилот ва корхоналарнинг 100 га яқин машиналари кундалик чиқиндиларни олиб чиқишда фаоллик кўрсатишмоқда. Ободонлаштириш бошқармасининг 300 нафардан ортиқ ишчи-хизматчисига маҳалла ҳамда корхоналардан минглаб одамлар хашарлар уюштириб ёрдам беришмоқда. Барчанинг эзгу нияти кутлуг Наврўз байрами ёрғун шў билан кутиб олиш ҳамда шахримиз чиройини, озодалигини ҳамisha таъминлашдир.

Дилноза ҒИЁСОВА



Чилонзор туманида ҳам ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги қизгин ўтмоқда. Сураткаш муҳбиримиз Эркин Ботиров тасвирга туширган суратларда туман ободонлаштириш бошқармасининг ходимлари меҳр билан дарахт кўчатлари ўтказиб беришга акс этган пастдаги суратда бошқарма агрономи Убайдулла Абдуллаев ва бошқарма бошлиғи ўринбосари Топиллат Аббосхўжаев ўтказилаётган кўчатни кўздан кечиришмоқда.

ҚИСҚА Суратларда

◆ **ЯҚИНЛАШИБ** келаётган Халқаро хотин қизлар куни — 8 март байрами арафасида ҳамда оналар ва болалар йили муносабати билан пойтахтимиздаги мухташам «Туркистон» саройида ўзбек санъати усталари ижросида концерт томошаси бўлиб ўтди. Шуниси эътиборлики ўшбу байрамолди концерти Юнусобод тумани ҳокимлиги ва туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан уюштирилди.

◆ **ЎРИҚЗОР** маҳалласи фаоллари Яққасарой тумани ҳокимлиги, туман меҳнат биржаси, ички ишлар, прокуратура ходимлари иштирокида давра суҳбати ўтказилди. Унда асосан маҳаллада истиқомат қилаётган ёшларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этиш масалалари апрофлича муҳокама этилди.

◆ **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси «Байналминвал» миллий маданий марказида болгар миллий маданий маркази ташаббускорлигида уюштирилган «Мартиница» деб номланган болгар халқининг миллий байрамига бағишланган тадбир ўтказилди.

◆ **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Банкар Ассоциацияси

ясида юртимизда фаолият кўрсатаётган банкар ишини жаҳон банклари андозаси даражасида янада яхшилашга қаратилган семинар бўлди. Унда АКШ ва Германиядан ташриф буюрган банкар соҳаси мутахассислари иштирок этишди.

◆ **РЕСПУБЛИКА** Миллий матбуот марказида «Имом ал-Бухорий сабоқлари» журналининг шейрият мулкнинг султони ҳазрат Алишер Навоийнинг ижоди ва фаолиятига бағишланган махсус сонининг тақдимот маросими ўтказилди.

◆ **ЯПОНИЯ** билан таълим-тарбия соҳасидаги ҳамкорликни янада яхшилаш, ўзаро таъриба алмашиш мақсадида Республика Миллий матбуот марказида Японияда таҳсил олган ўзбек мутахассислари Ассоциациясининг йилги йилдоши бўлиб ўтди.

◆ **ЙЎЛДОШ** Охунбоев номидаги Республика ёш томошабинлар театрида оналар ва болалар йили муносабати билан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Лутфулла Саъдуллаев сахналаштираётган «Бувижон» спектаклининг премьераси бўлиб ўтди. Театрга келган болажонлар маъмур асарининг қаҳрамони — Бувижонлар тимсолида 79 ёшли Ўзбекистон халқ артисти Муҳаббат Йўлдошевани кўрдилар.

Меҳр-мурувват, шукроналик айёми — Қурбон ҳайитингиз муборак бўлсин!

Баҳорнинг шундай серфайз кунларида ҳаммаиз меҳр-мурувват, шукроналик айёми бўлган Қурбон ҳайити арафасида турибмиз. Шукрлар бўлсинки, юртимиз Мустақилликка эришган дастлабки йилларидан бошлаб ҳўқуматимизнинг олиб бораётган одилона сиесати боис динимиздаги байрамлар ҳам давлат томонидан дам олиш куни деб эълон қилинди. Мана 10 йилдирки, барча ватандошларимиз ҳайит кунлари шод-хуррамлик билан кўтлуг айёмларни нишонламоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қурбон ҳайитни нишонлаш тўғрисида»ги қарори хар бир юртдошимиз қалбидан чуқур жой олди. Ушбу қарорда таъкидланганидек, Қурбон ҳайити байрамини жойларда муносиб тарзда ўтказиш учун тегишли тадбирлар белгиланди.

Бу галги Қурбон ҳайити яна шуниси билан файзлики, ўшбу муборак кунларда бутун дунё мусулмонлари муборак Ҳаж амалларини адо этишмоқда. Бу йил ҳам одатдагидек улар орасида юртимиздан борган тўрт мингга яқин киши уларга яратиб берилган жуда катта имтиёз ва

қулайликлардан фойдаланиш имконига эга бўлдилар.

Маълумки, ҳайит байрамлари кунларида етимлар, ногиронлар, ёлғиз кексалар, беморлар ҳолидан хабар олиш, уларга меҳр-мурувват ва саховат кўрсатиш халқимизга хос бўлган ажойиб фазилатлардир. Бинобарин, бу галги Қурбон ҳайити кунларида ҳам ҳамшаҳарларимиз саховатларини тўла намоён этишлар.

Янги асрнинг, янги минг йилликнинг биринчи йили юртимизда кутлуг байрамлар ва шодиваллар йилдир. Шу кунларда ҳаммамиз Энг улуг ва энг азиз байрамимиз бўлган Мустақилликнинг шонли 10 йиллиги айёмига қизгин тарафдор бўлишмоқдамиз. Ҳадемай халқимизнинг ажойиб ва ардоқли байрами Наврўзи оламини шоду хуррамлик билан нишонлаймиз. Буларнинг ҳаммаси Истиқлол берган буюк незмат, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликнинг ажойиб меvasидир. Азиз биродарлар, хар бир кунимиз шундай файзли бўлаверсин, хар бир кунимиз шодивал байрамларга тўла бўлсин. Ҳаммамизга муборак Қурбон ҳайити кутлуг бўлсин!

СПОРТ Олти курашчимиз — «Мустақиллик Кубоги» соҳиби

Бокс, кураш, теннис каби спорт турлари бўйича нуфузли халқаро мусобақаларни барча шарт-шароитларга эга «Юнусобод» спорт-соғломлаштириш мажмуасида ўтказиш яхши одат тусига кирган. Ўтган икки кун давомида ўшбу файзли спорт маскани яна ишқибозлару мутахассислар билан гажув бўлди. Илгари хабар берганимиздек бу ерда «Гран при» туркумига кирувчи эркин ва юнон-рум кураши бўйича 5-анъанавий «Мустақиллик кубоги» халқаро мусобақаларининг шиддатли беллашувлари бўлиб ўтди.

Бу гал «Мустақиллик Кубоги» мусобақаларида ўн бир мамлакатдан келган икки юзга яқин эркин ва юнон-рум кураши усталари галаба учун кураш олиб боришди.

Мусобақалар Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси, эркин ва юнон-рум кураши федерациялари самарали сай-ҳаракатлари натижасида юртимизда ёшлар орасидан кўпгина келажакли порлоқ спортчилар етиштириб чиқаётганлигини кўрсатди. Айниқса, Дилшод Мансуров, Дилшод Орипов, Дамир Захардинов, Руслан Биктяков каби курашчиларимиз кўпгина беллашувларда соф галабалар қозонган ҳолда ҳал қилувчи финал ўйинига йўланмалар олишди.

КЕЧА

Ишқибозлар билан лик тўла «Юнусобод» спорт мажмуасидаги ҳал қилувчи беллашувлар жуда чиройли ва шиддатли курашлар остида ўтди. Энг энгил вазн — 54 килограммликлар ўртасида дастлабки финал баҳсида гиламга ҳамюртимиз — эркин кураш бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров ва Атлантадаги олимпия ўйинларининг бронза нишонлари соҳиби, кўлаб ҳалқаро мусобақалар голиби қозонистонлик Мавлон Мамировлар тушишди. Дилшод дастлаб, 6:3

хисобида ютқазаетган бўлсада бутун куч-маҳоратини жамлаган ҳолда жуда мураккаб беллашувларда 7:6 хисобида зафар кучишга муваффақ бўлди ва ҳамюртларимиз галабасини бошлаб берди.

Шу вазнда юнон-рум курашчилари ўртасида киргизистонлик Уран Калилов голиб чиқди.

58 килограммгача эркин курашчилар баҳсида эса яна бир юртдошимиз Дамир Захардинов кескин беллашувларда Беларус вакили Александр Каминскийни доғда қолдириб чемпионлиқни қўлга киритди.


«Мустақиллик Кубоги»нинг энг чиройли беллашуви 58 килограммгача вазнликлар ўртасида юнон-рум кураши



кураши Руслан Биктяков ҳурмат шўқупасининг энг юқори поғонасига кўтарилди. Шундай қилиб, финалга чиққан барча олти курашчимиз «Мустақиллик Кубоги»ларининг соҳиблари бўлишди. Баҳор Қурбон ва Музаффар Абдурахмоновларга эса учинчи ўринлар насиб этди. Грузиялик полвонлар ҳам турнирда муваффақиятли қатнашди — улардан саккизтаси финалга чиққан бўлса-да, Давид Лежава, Элдор Куртанидзе, Мириан Грогандзе, Александр Мативалзе, Георгий Жингшелавили, Ревас Миндарашвилилар ҳурмат шўқупасининг юқори поғонасига кўтарилди.

Барча голиб ва совриндорларга турнир ташкилотчилари ва ҳомийлари томонидан ажратилган Кубоклар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Дилшод ИСРОИЛОВ. СУРАТЛАРДА: «Мустақиллик Кубоги» беллашувларида ва голибларни тақдирлаш маросимидан лавҳалар. Тоҳир Низматуллин олган суратлар.



Жаҳонда

◆ **Бугун** Парижда Франция Президенти Ж. Ширак Арманистон ва Озарбайжон Президентлари Р. Қочарян ва Х. Алиевлар билан юзма-юз биринчи босқич музокараларини якунлайди.

◆ **Бугун** Пекинда хар йили ўтадиган мамлакат олий қунун чиқарувчи органи — Хитой халқ вакиллари съезди очилади.

◆ БМТ Бош қотиби Кофи Аннаниннинг яқин кунларда Покистонга сафари кутилмоқда. Март ойининг иккинчи ўн кунлигига мўлжалланаётган ўшбу ташриф чоғида минтақавий хавфсизлик масалалари учрашувлар кун тартибининг асосини ташкил этади.

◆ БМТнинг инсонпарварлик ёрдамини тарқатиш бўйича мувофиқлаштирувчиси Кензо Осима Афғонистон халқига ёрдам бериш учун зудлик билан 250 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратишни сўраб, жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилди.

◆ Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманидаги «Юлдуз» ҳиссадорлик жамияти номига узоқ Мадриддан — Сифат ва технология бўйича халқаро қўмита директори Хосе Прието жаноблиридан хушхабар битилган мактуб келди. Унда маъмур қорхонанинг ўтган йилги ишлаб чиқариш натижалари ва фақат юқори сифатли пахта толаси етказиб бераётгани тан олиниб, «Европа-АРКИ»нинг халқаро олтин медалига сазовор бўлганлиги айтилган. **Бугун** ўшбу юксак мукофот Франкфурт шахрида тантанали равишда топширилади.

◆ **Кеча** Мехико аҳолиси кутилмаган ҳодиса — кучли қор ёғинининг шўҳиди бўлишди. Баъзан жойларда қорнинг қалинлиги 15 сантиметрга етди.

◆ Колумбияда ҳаракат қилаётган исёнчилар яна бир қўпоровчиликни амалга оширди. Натижада мамлакатнинг 7 та департаменти аҳолиси электрсиз қолди.

◆ Индонезиянинг Суматра ороли шимолида жойлашган Анех виллоятда галаблар тўхтамайпти. Ҳўқумат кўшинлари ва айирмачилар ўртасида бўлиб ўтган тўқнашувларда 11 киши ҳалок бўлди.

◆ Грозний шаҳри ва Чеченистоннинг бошқа шаҳарларида РТР ва «Радио Россия» каналларининг эшиттиришлари йўлга қўйилди.

◆ Молдова Республикасида мuddатидан аввал бўлиб ўтган парламент сайловларида 65 фоиз аҳоли иштирок этди. Натижаларга қараганда, 50 фоиз сайловчи коммунистлар партиясига овоз берганликларини учун маъмур партия галаба қозонган.

◆ **Кеча** Грознийдаги бозорлардан бирида рўй берган портлаш натижасида 4 киши ҳаётдан қўз юмди, 2 киши тан жароҳати олди.

◆ **Кеча** Ҳиндистон шимолида 5 балли куч билан ер силкиниси кузатилди. Қурбонлар ва вайронлар ҳақида ҳозирча маълумотлар йўқ.

«Кейинги бекат» «Юнус Ражабий»

— шу ердан Чилонзор йўналишига ҳам ўтиш мумкин бўлади...»

Тез орада метрополитеннинг диспетчерлик тармоғи орқали узатиладиган ушбу мазмундаги хабар ҳам бошқалари қаторида йўловчилар учун одатий эълонга айланади.

«Мингүрик» — «Юнус Ражабий» — «Абдулла Кодирий» — «Мискор» — «Бодомзор» — «Ҳамид Абдуллаев» — метронинг янги, Юнусобод йўналишининг биринчи навбатидаги шу номлардаги олти бекатини ер ости қурувчилари Мустақиллик байрамнинг 10 йиллигига топширишни мақсад қилиб қўйганлар. Ҳозирча эса айнан шундай кетма-кет тартибда, ҳар бир бекат бўйича алоҳида ҳолда метро қурилишининг штаби — «Юнус Ражабий» бекатида мунтазам равишда белгиланган ишлар ҳажми юзасидан ҳисоботлар ва янги вазибалар бўйича йиғилишлар ўтказилмоқда.

— Хали етти ой мобайнида қилинадиган ишлар талайгина ва бу нафақат биз, метрочиларга тааллуқли, — дейди «Тошметрокурилиш» трести бошқарувчиси Шокир Солиқжаев. — Чунинчи Юнусобод йўналишига 20 дан ортик қурилиш ташкилотлари жалб этилган. Агарда ишлаб чиқариш корхоналари, лойиҳалаштириш идоралари ва шу каби, барча ҳамкорларимизни ҳисобга оладиган бўлсак, метронинг қурилишида иш-тироқ эътибор сони юзгага бориб қолса керак... Ҳозирги кунда бешта бекатда бе-заш ишлари бошлаб юборилди. Айтиб ўтиш жоиз, бе-заш ишларида ўзимизнинг имкониятларимиздан кўпроқ фойдаланмоқдамиз, яъни ҳар доимгидек асосан мрамар қўлланмоқда. Унинг «Зорбон», «Фозгон», «Габро» каби ўндан ортик турлари бекатлардаги устун, девор, юриш жойларини бе-зашда кўпроқ ишлатилмоқда. Баъзи бекатларнинг шифтлари юмшоқ ва пишик металл — алюминийдан ишлаб чиқилади. Бе-заш ишлари билан бирга ҳозирда ўтиш тоннелларида ҳам жадал суръатларда монтаж ишлари бажарилмоқда. Хусусан, шамоллатиш, электр, сантехника ва бошқа махсус дастгоҳларни ўрнатиш давом этмоқда. Бу йўналишдаги ишларни май ойининг ўрталарига тугатиш мўлжалланган. Шунинг ҳам айтиш керакки, монтаж ишларида пойтахт вилоятининг мутахассислари ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар.

Метро қурилиши раҳбари сўзларидан яна шу нарса ҳам ойдинлашдики, ҳозирда қурилаётган Юнусобод йўналишини тажриба-синов йўналишини дейиш мумкин экан, чунки унинг айрим участкаларида чўян ишланмалари билан бир қаторда биринчи марта темир-бетон конструкциялари ҳам қўлланилмоқда.

— Чўян тўбинларининг ўрнини босувчи темир-бетондан ишланган «туғунлар» ўз лойиҳачиларимизнинг ихтироси ҳисобланади, — қўшимча қилди «Тошметролойиҳа» институтининг директори Одил Зокиров. — Мазкур конструкцияларни ишлаб чиқариш учун руҳсат - лицензия олганми ва ўйлашманки, бизнинг янгилик, тўғрироғи кашфиётимиз метронинг амалдаги иш жараёнида ўзини тўла оқлайди. Бу кейинчалик темир прокатининг импортини анча қисқартиришга қўлай имкон яратди. Бундан ташқари, ишлаб чиқарувчиларга, хусусан темир-бетон корхоналарига бозор иқтисодиёти шароитида «Тошметрокурилиш» каби доимий буюртмачи ҳисобига (метро кўп йиллик қурилиш эканлигини инобатга олсак) ўз қувватларини йил сайин кенгайтиришларига яхши имконият ҳамдир.

Дарҳақиқат, пойтахтнинг темир-бетон маҳсулотларини ишлаб чиқаруви корхоналари ҳозирда ер ости қурилиши объектиларининг асосий дастгоҳ ва ускуналар билан таъминловчисига айланган. Қолаверса, 2,5,8-темир-бетон корхоналарининг фаолияти метро масалалари бўйича шаҳар қурилиш маҳмузининг йиғилишларида кўп марта қончиқарли деб топилган. Шу билан бирга корхона ишчиларининг кундалик ишлаб чиқаришини қўшимча прокат ҳисобига янада кўпайтириб беришга имкониятлари ҳам инобатга олинмоқда. Аммо, афсуски, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳақида бундай ижобий фикрларни айта олмаймиз, зеро, «Технолог»га тўбинг дастгоҳларини қайта тиклаш бўйича буюртма берилган, лекин бирлашма мутасаддилари амалий иш ўрнига «бугун-эрта» дейишдан нарига ўтмаётганлари кишини ажаблантиради.

Янги лойиҳалар ечимлари бўйича фикр-ни давом эттирган ҳолда, шуни қўшимча қилиш мумкинки, аввалги йўналишлардаги

айрим ҳисобга олинмаган камчиликлар (масалан, «Пахтакор» ва «Алишер Навоий» ўтиш бекатларида йўловчиларнинг тигиз қатнови назарда тутилмагани сабабли бу жойларда зичлик ҳоллари учраб туради) инобатга олиб Юнусобод йўналишининг «Юнус Ражабий» ва «Мингүрик» бекатларидан ўтиш майдончалари анча кенг қилиб лойиҳалаштирилган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, «Юнус Ражабий» бекати Юнусобод йўналишини Чилонзор йўналиши билан туташтиради, Ўзбекистон йўналишига ўтиш учун Юнусобод йўналиши орқали «Мингүрик» бекатига боришга тўғри келади, яъни Юнусобод йўналишининг ўздан бирдангина икки йўналишга ўтиш мумкин бўлади. Янги йўналишнинг иккинчи навбатида эса яна учта — «Файзулла Ҳўжаев», «Юнусобод» ва «Туркистон» бекатлари қурилади. Лекин бу ҳаммаси эмас. «Тошметролойиҳа» институти мутахассислари томонидан мажкур йўналишнинг учинчи навбати бўйича ҳам лойиҳалар тайёрланди. У 4 бекатдан иборат бўлиб, Юнусобод даҳасини Жанубий вокзал билан боғлайди.

Маълумки, Тошкент метросининг ilk бекатлари 1977 йилда ишга тушган, бироқ аслида бу йўналишдаги ишлар 1972 йилдан бошланган, яъни келаси йилда пойтахтда метро қурилиши бошланганлигига 30 йил тўлади.

Ҳа, узоқ йиллар давомида мамлакатимизда метро қурилиши ишлари узлуксиз давом этмоқда. Айтиб ўтиш жоиз, айримлар хатто метро қурилишини давом эттиришга республикамизнинг қурби етмайди деган фикрларни ҳам билдирганди. Бироқ бу соҳада эришилаётган ютуқлар бундай фикрларнинг асосиз эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Шу билан бирга ҳамдўстлик давлатларининг бошқа бирортасида ҳам метро қурилишдан улкан бунёдкорлик ишлари капитал ошириллаётгани барчага яхши маълум. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, Тошкент метроси янги йўналишининг қурилиши ва унинг биринчи навбатидаги олти бекатининг ишга туширилиши республикамизнинг ўн йиллик мустақиллик даврида эришган энг йирик ютуқлардан бири, десак янгилимаймиз. Шу ўринда кўпчиликни метро қурилишига ажратилаётган маблағлар ҳам қизиқтириши шубҳасиз. Жумладан, республикамизнинг 2001 йилги инвестиция дастурига асосан Юнусобод йўналишининг биринчи навбатини тугаллашга 11,5 миллиард сўмлик ҳажмдаги капитал қўйилмади ажратилган.

Кўп йиллик тажрибалар асосида «Тошметролойиҳа» институти тўрттинчи—Сергели йўналишининг лойиҳасини ҳам тугаллаган ва илгари хабар берганимиздек, унинг қурилишига Хитойнинг «Сити» компанияси инвестицияларини жалб этишга ҳозирлик қилинмоқда. Мазкур йўналишнинг узунлиги 9,6 километр бўлиб, Сергели даҳасини Отчопар бозори билан боғлабди ва унинг олти бекатидан тўрттаси ер устидан ўтади. Тўртинчи йўналишнинг охириги навбати қурилишида «Отчопар» бекати Чилонзор йўналишига 1,9 километр масофада узайтирилади.

Бундан ташқари, метронинг Чилонзор йўналиши «Буяқ Ипак йўли» бекатидан «Тошкент трактор заводи» ДАҚШга 6,36 километрга узайтирилади ва бу масофада қўшимча учта бекат қурилади. Ўзбекистон йўналишига эса иккита бекат қўйилиши назарда тутилган. Унинг «Беруний» бекати Қорақамиш даҳасига ҳам доим эътирилади. Шундай қилиб, ҳозирги кунда метрополитеннинг 30,9 километрни йигирма уч бекатдан иборат иккита йўналиши аҳолига хизмат кўрсатаётган бўлса, янги лойиҳалар ҳаётга таъбиқ этилиши билан унинг узунлиги 67,61 километрга етиб, тўрт йўналишли ва 46 бекатдан иборат бўлади. Буларнинг ҳаммаси истиқболдаги режалар албатта. Шундай бўлсада, фақат Юнусобод йўналишининг биринчи навбати ишга туширилиши билан йўловчилар уч йўналишнинг 31 бекати орқали шаҳарнинг бир бошидан иккинчисига, хуллас керакли манзилгача ҳам вақтини тежаб, ҳам ортиқча харажатсиз бемалол етиб олишига имконият туғилади.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА,
Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот хизмати ходими.



НАВРЎЗИ ОЛАМ ЯҚИН...



Табиатга нисор этди юрагин

ИЗҲОР

Далада майсалар кўтармоқда бош, Қалдирғоч келтирди баҳор дарагин. Борлиққа ҳарорат бахш этди кўёш, Табиатга нисор этди юрагин.
Мана, гўзал юртимизга қулиб-яшнаб Наврўзи олам кириб келмоқда. Фаслларнинг эрка келинчаги, ёшарши, покланиши, уйғониши фасли солланиб-солланиб, она табиатни кўм-кўк либосга, риску баракча буркаб келади Баҳор. Ҳадемай гул-гиёҳлар кўзни қувнатиб чаплар уриб очилади, кушларнинг нозли нағмаларию, сув-

ларнинг беғубор қўлдираши оламни тутати. Осмонни тўлдириб, арғамчи солиб турналарнинг «қурей-қурей»лари янграйди, қизлар соҳида тол-баргак, болажонларнинг дилдан кий-қирқиларига ҳаммадан қўнғуларнинг тинчлики, мустақиллигимизни мадҳ этиб хиллерилади. Ариқлар лабиди ялпизнинг кўнғиллари ром этувчи хушбўйлари таралади, кекса момоларимиз баҳорнинг ilk элчилари — бинафшаю чўчқомани авайлаб қўлларига олиб, «Омонлик-омонлик, кўзларимиз ҳеч қўрмасин ёмонлик» деб кўзларига суртадилар, чаккаларига шукроналик сифатида кистириб қўядилар.

Шукур қилмасдан бўладими, ахир, улар — янги аср, янги минг йиллик, 2001 йилнинг баҳорига, овоз ва обод, мустақил юртининг 10 йиллиги нишонланадиган улғу кунларга етиб келганларига, эмин, эркин умрбоқий Наврўзимизни нишонлаш насиб этганига шукроналар келтирадилар. Сени соғиндик Баҳорой, Наврўзи олам келақол, янги кунга, янги юмушларга бизни чорлайвер. Киши билан ором олган, аста уйғонаётган она ер бақрини яшилликка буркаб, дехқон эккан баракча уруғини қувшинг тафти билан исит, турфа ноз-неъматлар ундир дегин келади. Баҳорой! Сен шунчалар гўзалсанки, бағрингда етаклаб келаётган қатор байрамларинг унданда гўзал. Онларни улғулочви, таъриф тавсифини оламага мадҳ этувчи — 8 март байрами, унга қўшилиб эзгулик, савоҳат, юракларга меҳру-оқибат солиб Наврўзи олам кириб келади. Замину самони тўлдириб тинчлик

кўшиги янграйди, дошқозонларда сумалаклар бикирлаб хайру савобдан роз айтадилар. Гўзал Баҳор нафаси эса бошлаган шу кунларда шундай дегим келади: «Азиз ҳамшахрим, баҳоринг муборак бўлсин! Сахар чоғи энг тоза, дунёдаги энг яхши тилакларингни тила. Энг тоза юракларнинг энг эзгу тилакларини ижобат бўлғай!»
Ўлкамизга кириб келган Баҳорнинг, Наврўзи оламнинг дастурхонимизга тўқинлик, баракча, халқимизга яхшиликлар олиб келаётгани рост бўлсин.
Ўзгача соҳилар қувшинг нури, Қўрқакча урилар баҳор шамолли. Ҳар гўшада янғроқ меҳнат сурури, Ва такорор очилар юртим жамолли. Мустақил юртимнинг баҳоридир бу, Нури истиқлолнинг наҳоридир бу.
Шоира МУҲАМЕДОВА

Ардоқли байрам

Наврўз форса сўз бўлиб, янги кун дегани. У энг қадимий халқ байрамларидан бўлиб, қамда 10 минглаб йил аввал ҳам бўлган. Чунки Наврўз байрамидан кейин баҳор келиши ва дастлабки дехқончилик ишлари бошланади. Тарихий манбаларга қараганда Урта Осиё (Мовароуннаҳр) ерларида ҳиндулар зардуштрлик динига хос урф-одат, анъаналарга мос келадиган

байрам сифатида ўтказилган. Эрон, Афғонистон, Марказий Осиё, Кавказ халқлари исломлаштирилгандан кейин ҳам Наврўз кун байрам қилинган. Наврўзнинг 365 кунлик қўёш календари ҳисобидан айнан 21 март (арабча-ҳамал) кунни нишонлашига асосий сабаб, Маликшох ҳукмронлик қилган (1072-1092 йиллар) даврида

машҳур шарқ олими, астрономи, файласуфи ва шоири Умар Хайём томонидан киритилгандир. Умар Хайём аниқ математик ҳисоблар асосида планета ва юлдузлар туркумини исчиқ ўрганиб ўз илмий хулосасини ёзиб қолдирган ва астрономия фанининг ривожланишига улкан ҳисса қўшган. Шу аниқ аст-

рономия ҳисобларга қараганда 21 март кунни кундузги ва кечасидаги вақт тенг бўлар экан. 1079-1080 йилда шох сарой аҳли йиғилишида Умар Хайём фикрлари ва аниқ далилларини эшитиб, 21 март кунини ҳар доим Наврўз байрами сифатида нишонлаши учун фармон чиқаради, олимга катта совға-

Илҳом ШЕРМУҲАММАД

ҚАТРАЛАР

Боғбон ва сув

— Етиб борадиган жойингиз буюб-бўстонга айланади, — деди боғбон баҳор қўшидан жилва билан оқаётган катта ариқ сувига хавасланиб. Сув боладак шўх эмасми, гўё бу гапдан уйноқлаб тўқилгандади. Кани энди қирғоқдан тошиб чиксаю янқирдоқга ерларни обод қилса. Қирғоқ эса ўздан баланд. Интила-интила яломан чала-чулга тошган қирғоқнинг омонат жойидан сизиб чиқди. Рўпарасидаги мевазор сари оқди, йўли баландроқ экан юра олмай, қия жар-

лик томонга бурилди. Жар ёқасини илон изидек ўйиб, пастдаги кўм-кўк ўтлоқни лойкага кўмди. Бебошлиқдан ўзи хафа: «Ўтлоқни хунук қилиб қўйдим-а.»
Вақт ганимат. Боғбон сувни тартибга солиш учун мевалар тағидан жўяклар олди. — Ўзингча юрган йўлингдан эиён ундан. Инсонга бўйсуниб юрган йўлингдан-чи, Қарак, гўзаллик, — деди боғбон сувни жўякларга йўналтириб.
Боғбон жўяклар четига сабзавот ниҳолларини қадади. Ниҳол ва дарактлар худдан гурқираб, баҳор чиройига чирой қўшабошлади.
Сизлар аҳил бўлсангиз яшнайбераман, дейди Баҳор боғбон ва сувдан миннатдор бўлиб, табиатга қулиб боқаркан.

Фасллар меҳри

Ховлимиздаги бир туп ўрик оппоқ бўлиб қуллади. Ўз чиройини кўрган баҳор гуллардан мамнун:
Илик ел билан сийпалаб чанглатади, маржон-маржон ҳосил тўг, деб. Ез баҳорнинг хизматини юзгага чиқариш пайида. Нуруловини кўм-кўк ўрикка пуржайди. Бир ёғи қизил, бир ёғи но-вотранг, хил-хил пишган мевалар барглр орасидан мўралайди.
Ўз чиройини кўрган ёз мевалар-

дан шод: «Одамлар тўйиб-тўйиб есин. Соғлом бўлсин.»
Ўз сифатини ўрикнинг олтиндек баргларида кўрган қуз ҳам севинчли яширмайди: Хосиллар пишгунча ишлаб, сел, шамолларга қалқон бўлдингиз, Олтиндек товланган умрингиздан розимиз.
Қиш ўз зийнатини ўрик шохларига ёпишган оппоқ қорлариди қўраркан, баҳор, ёз ҳосилига эш, дармонсиз, дейди. Фаслларнинг қўркини, бир-бирига занжирдек меҳрини ўзда намоевн эътаётган ўригимдан олам-олам маъно оламан.
Фани АБДУЛЛАЕВ,
боғбон

Бундан тўрт йил олдин фаолиятини бошлаган «ТЕЗИНТОМ» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси томонидан жаҳон талабларига жавоб бера оладиган, Урта Осиёда ягона металл черепицалар ва томларга ёпиладиган бошқа хил материаллар ишлаб чиқарила бошлаган эди. Ушбу маҳсулотлар юқори сифати ва чидамлиги, чиройли кўриниши билан уйларнинг томларига ишлатиладиган бошқа материаллардан фарқ қилади.

Шунингдек, бу маҳсулотлар қор-ёмғирларда ва қаттиқ шамол турганда ишончли бўлиб, анъанавий керамик черепицалардан ўн баробар энгилдир. Унинг бир квадрат метри атиги 4,5 килограмм чиқади. У етти хил рангда ишлаб чиқарилиб, эгилувчан ҳамдир. Шу боис ҳам ҳар қандай уйнинг томини икки киши бир кунда ёпиб бериши мумкин. Корхона асосан бюртмалар олиб уни тез кунлар ичида харидорларга етказиб беради. Айни кунларда корхонада Германия ва Финляндиядан келтирилган энг сўнги замонавий дастгоҳлар билан ҳижозланган иккита цех ишлаб турибди. Асосий хом ашё Голландия ва Финляндиядан тайёр ўралган ҳолда келтирилади.

Металл черепицалар тайёрланадиган хом ашё ўзига хос кўп қатламли қоринча бўлиб, унинг асосида ташқи таъсирдан 25 микрон қалинликда рух қоплама ҳамда гуртли ва рангдор қатлам билан муҳофазаланган пўлат мўра туради. Ички қўйи қисмига эса ташқи таъсирини бўшаштирувчи қоплама устидан хом кўрғошин тусли полимер қатлами суртिलाди. Бу эса унинг чидамлигини янада оширади.

Утган йили корхона ўз фаолиятида яна янги бир қадам қўйди. Энди у қора металл ва бошқа электр ўтказувчи ме-

ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

Ўрта Осиёда ягона

электростатик майдон таъсирида тайёрланган металл буюм сиртига полимер қўқунни сепеди. Юқори даражада, яъни 240 градусда металл сирти полимерланади ва шундан кейин ранги ўчмас, қўркам материал ҳосил бўлади.

— Биз цехда бор-йўғи 6 нафар киши ишлаймиз, — дейди тажрибали мутахассис Фарход Аъзамов. — Қўриб турганингиздек бу ерда барча жараёнлар автоматлаштирилган. Бу эса ўз навбатида ишмизини анча энгиллаштириш билан бирга унинг унумдорлигини ҳам оширади. Хар қандай металлни полимерлаш учун атиги 40 сония вақт кетади. Албатта, аввало детал тозалаш камерасида яхшилаб тозаланади ва ювилади. Ва шундан кейин полимер пуркалиб, юқори ҳарорат остида бу ишлар охирига етказилади.

Биз корхонанинг бош менежери Бахтиёр Мамдиёровдан ишлаб чиқаришнинг экологик хусусиятлари тўғрисида гапириб беришни сўрадик.

— Энг аввало корхонамиз замонавий технология асосида барпо этилганлиги ва атроф-муҳитни тозалик коидаларига амал қилган ҳолда иш бошлаганлигини айтиш мумкин. Муваффақиятларимизнинг асоси ҳам ишлаб чиқаришнинг экологик тозалигидир. Жумладан, маҳсулот ишлаб чиқариш асосида юзгага келган майда темир парчалари чиқинди ҳолида ташланмайди. Аксинча улар яна технологик жараёнда қайта фойдаланилади. Шунингдек, ишлатиладиган барча аралашмалар регенерация камераси орқали тинитилгандан сўнг улардан ҳам қайта фойдаланишга имкон туғилади. Боз устига полимер қўқунни сепиш жараёнида тўпланган қолдиган қўқунлар суриб олиниб тозаланади ва қайта ишлатилади. Бизда ҳеч бир нарса чиқиндига чиқарилмайди. Шу сабаб ҳам корхона атрофидидаги табиатга сира салбий таъсир қўрсатмайди, деб биламан.

Бир сўз билан айтганда, корхона мутахассислари энг талабчан миҳозларнинг ҳам хоҳлаган бюртмаларини бажаришга шай, корхонанинг галдаги яна бир режаси шу йўналишдаги учинчи цехни ҳам қуриш. Бу борада Германиянинг «ХАБО» фирмаси билан келишиб қўйилган. Мазкур цехда эса юксак бадиий савиядаги металл панжаралари ишлаб чиқарилади.

Очил ҲАЗРАТОВ
СУРАТЛАРДА: металл черепицалар уй томларига ёпиладиган уйнинг эна шундай қўркам кўринишига эга бўлади; Германия ва Финляндиядан келтирилган дастгоҳнинг иш жараёнидаги кўриниши.

Парвардигори оламнинг фазл-рахматлари ёғилиб турадиган Қурбон ҳайитига ҳам соғ-саломат, тинчлик-хотиржамликда етишганимиз учун Яратганга шукроналар айтаем. Ушбу муборак кунларда бутун дунё мусулмонлари муборак Ҳаж амалларини адо этишди. Бу йил ҳам одатдагидек ўзбекистонлик тўрт мингта яқин мусулмонлар ҳукуматимиз томонидан кўрсатилган имтиёз ва қулайликлардан фойдаланган ҳолда Ҳаж зиёратини адо этишмоқда.

Яқинда Вазирлар Маҳкамасининг «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қурбон ҳайити байрамнинг жойларда муносиб тарзда ўтиши учун тегишли тadbирлар белгиланди. Жамoатчи муҳбиримиз Тошкент шаҳар Бош имом-хатиби Ашвар хожи ТУРСУНОВ билан аша шу қутлуг байрам ҳусусида сўзлашди.

— Бисмиллаҳир раҳмонир роҳийм!
Халқимиз орасида «Ота рози — Худо рози» деган ҳикматнинг мавжудлиги бежиз эмас. Зеро, Исломи диннинг асосий тарбиявий томонлари кўпроқ ота-онани рози қилиш, уларнинг хизматларида қoим туриш, дуoларини олишдек улкан савoбли ишга тарғиб

қилишдан иборат. Бунга ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом ёрқин далилдир...

Бинобарин Яратганнинг розилиги йўлида чин ихлос

лар. Закот берувчи бадавлат киши учун бизнинг Имоми Аъзам маҳаббатида қурбонлик қилиш вожибдир.

— Қурбон ҳайити муноса-

Бунга ҳар қанча шукрона айтсак, шунама оз. Мана бу йил ҳам айтиб ўтганимиздек, ватандошларимиз муҳтарам Юртбошимиз томо-

лардан ҳисобланади.

Пайгамбаримиз даврларида саҳобалардан бири ниҳоятда камбағал, муҳтож яшарди. Бирон бир кимсага хайр-эҳсон қилишдан оқиб эди. Бир кун кечқурун ҳалиги саҳоба: «Парвардигорим, менга зулм қилган кишиларни кечирдим, уларга ҳеч қанақа гина-қудуратим йўқ, мана шунини хайр-эҳсон сифатида қабул қилишингни сўрайман», — дебди. Эртасига эса пайгамбаримиз ўша саҳобага «Қилган эҳсонинг Аллоҳнинг ҳузурига қабул бўлибди» дея хушхаҳан етказибдилар. Демак, ҳайит кунлари бир-бири билан аразлашиб юрганлар ярашмоқлари лозим. Ҳар қандай гина-қудуратлар бўлмаслиги шарт.

Алҳамдулиллоҳ, мустақил дёиримизга баҳор фасли ташриф буюрди. Юртимизда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ойлари ўтказилмоқда. Ҳаммамиз ҳовли ва кўчаларимизни суғуриб-сидириб, саранжом-сарништа қилиб, ҳайитни кўтиб олмақдамиз. Парвардигори олам мамлакатимиздаги тинчлик ва хотиржамликни бардавом айлосин. Аллоҳ таоло ҳаммамизни меҳр-оқибатли, хайр-саховатли инсонлардан қилсин. Қурбон ҳайитингиз муборак бўлсин, азизлар!

Сўхбатдош
Неъматулло МУҲАМЕДОВ.

АНЖУМАНЛАР Мустақил ҳаёт бўсағасида

Чилонзор тумани ҳокимлиги, туман Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси томонидан «Она ва бола» дастури асосида «Мустақил ҳаёт бўсағасида» деб номланган илмий-амалий анжуман ўтказилди.

— Давлатинг ота-онанг, савлатинг ўғил-қизинг, — деди анжуманда сўзга чиққан туман Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Йўлдошхўжа Абдурахмонов. — Бу халқ мақоли жуда топиб айтилган. Жисмоний, маънавий ва ақл-заковатли болалар камол топиши учун, уларда қатъий билимлар, эркин фикрлаш қўникмаларини шакллантириш, она ва қиз, ота ва ўғил, қайнота ва кўёв, қайнона ва келин ўртасидаги ҳаётини муаммоларни ҳал қилиш айнан маҳаллаларда ечимини топмоғи лозим.

Анжуманда иштирок этганлар айтилган фикр-мулоҳазалар, керакли маслаҳат, маҳаллаларда олиб берилган ибратли ишлар ҳақидаги мисоллардан катта маънавий озиқ олдилар, ўзларини ўйлантираётган муаммолар ва амалга ошириши лозим бўлган ишлар ҳақида ўзаро фикр алмашдилар.

Шоҳида МАҲМУДОВА

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ЎРТАНИҚ Домо бўлу...

РАСМИНИ ЯШИРГАН РАССОМ

Ёшлигимда қилбағоҳим Маҳмуд Восилидан эшитган эдим. Хадисларда, биронинг хатини ўқиб хибнат қилиш билан тенг, дейилган экан. У киши айтди: «Киши биронинг уйига кирса, уй соҳибининг ёзган нарсаларини ижозатсиз олиб, ўқимаслиги керак. Фақатгина, китобларининг руҳсатсиз олиб ўқиш мумкин».

Эзиб ол бу сўзини юрак катиба, Қарама биронинг маҳрам зотиға, Китобга қарасанг, қарайвер, бироқ, Зинкор боқакўрма унинг хатига. Қилбағоҳимнинг ҳикоя қилишларига, «қутби чачордахум», яъни «чиртинчи кўт» номини олган ва ўзи Тошкентнинг Қўча даҳасида яшаван Зайнуддин Бобонинг шоғирди Нуриддин Басирнинг бир ўғли бўлган экан. У шайхлиқда кўп илмларни оғзлаб, машоҳихлар зиёратига юрган экан. Бир кун дидасига: — Мен Туркистондаги барча шайхларни зиёрат қилиб бўлдим, фақатгина Ўзгандаги Қилич Бурхонуддин қолди, унинг зиёратига боришга ижозат берсангиз, — дебди.

Отаси: — Ўғлим, ул зотнинг жаҳллари ёмон, бормагин, — дебди. Ўғил: — Мен ул зот билан уришгани эмас, балки сўхбатлашгани бораман-ку, — дебди ва жўнаб кетибди. Ўғил ўзганга етиб бориб, Қилич Бурхонуддин азизнинг ҳузурига кирибди. Бироз сўхбатдан сўнг, шайх таҳоратга чиқибди. Шайх шу кунларда қандайдир китоб ёзаётган экан, йигит уни олиб ўқибди ва ўзича бир имло хатосини калами билан тўғирлаган бўлибди. Шайх қайтиб кирган: — Ўзувнингизда хато бор экан, тўғирлаб қўйдим, — дебди. Шайхнинг бирдангина ранг-рўйи ўзгариб, йигитнинг беадб-лигига ғазаби келибди. У йигитга ғазаб билан тикилган экан, йигит ўша онда жон берибди. Йигитнинг отаси Нуриддин Басир авлиёлик яшавати билан бу ҳолни кузатиб турган экан. «Биродарам Бурхонуддин қори худро қард», яъни «Биродарим Бурхонуддин ўзига ўзи қилди» деб, авлиёлик ўқини Бурхонуддинга отибди. Қилич Бурхонуддин ҳам ўша жойда вафот қилибди.

— Бу ҳукм, — деган эдилар қилбағоҳим, — Хожа Ахрори Валининг «Фақароти Ахрорийи» китобига ёзилган. Демак йигит ёшлиқ қилиб, хатога йўл қўйган ва биронинг хатига ижозатсиз қарагани ўзига зарар бўлган.

Ақлининг чангини артиб турса саз, Ҳар ишдан бир фойда етиб турса саз. Ҳаммаси сазу саз, аммо ҳар ишинг, Бошида адабу тартиб турса саз.

Қилбағоҳимнинг бу ўғиллари хотирамга маҳкам ўрнашиб қолган эди. Олим дустларининг хоналарига кирсам, кўзимни доим тияр, ёзган нарсаларига асло қарамас, хатто ёзув столига яқин бормасликка ҳароқат қилар экан.

Бир кун у қўл остида ишлайдиган бир ходим ўтирадиган хонанинг эшигини очдим. Бу ходим етук расмон бўлиб, қўлэма асарларга минатура чизар эди. Ходимнинг столи эшикдан анча нарида эди. Ходим менинг кирганимни кўриб, чидаётган расми устига чаконлик билан газета ташлади ва мен билан қўришги учун йўналди. Мен унинг олдига кам кирар ва кам ўтирадиган эдим. Бу гап ҳам бир озгина гапни айтиш учунгина қадам қўйгандим. Керакли гапни айтдим орамга қайтдим.

Эмон иш ўзини оқлай билмаслик, Инсонлик одобин саклай билмаслик. Эмондан ҳам ёмон бир иш борки, бу — Дўст билан душмани фарқлай билмаслик. Орамга қайтдим юрагимда бир оғрик сездим. Наҳотки у мени шу даражада одобсиз деб билса?

Бедаб эл ичра забун бўлади, Дилида ечилмас тугун бўлади. Адабли кишининг ёронлари шод, Юзи эса доим гулгун бўлади.

Бошқа жиҳатдан қараганда, ўз раҳбарларидан яширинча иш қилиб, давлат пул тўлаётган азиз вақтин ўзага нарсаси сарфлаши ҳам инсофдан эмас эди. Нима бўлганда ҳам, бу одобсизлик менга жуда оғир ботди ва у ўтирган хонага бошқа қадам қўймайдиган бўлдим.

Бедаб эл ичра ҳаминча хордир, Бир оғиз ширин сўз эшитмай, зордир. Ҳеч кимга ёқмаган феълү ативри, Кенг дунё унинг-чун бир умр тордир.

МЕХР

Исматулла Абдуллаевни бу «Араб адабиётининг отаси» дер эдик. Наманганликлар эса уни «Етимсарвар олим» деб аташар экан. Бу олим йилларга жонқур устоз эди: — **Одамлар мумтози — устозим менинг.** **Қилбағоҳ пардози — устозим менинг.** **Қанчалаб ҳамрози бўлмасин дилин,** **Ҳақиқий ҳамрози — устозим менинг.** Олим одоб-ахлоқни хуш кўрар, ёшми каттами, одобсизлик қилса, шартта юзига айтар эди.

Инсон азизлиги адаб тўфайли, Элда лазизлиги адаб тўфайли. Катта-кичик учун ёқимлиги, Ширин тазимлиги адаб тўфайли. Олим ёлғонни ёмон кўрарди, ёлғон сўзлаган одамни кўрса, жон-пони чиқиб кетарди. **Ёлғон сўздан обрў тўзон бўлади,** **Умр гулзорлари ҳазон бўлади.** **Алданган кишидан қўра алдови,** **Алдовчига кўпроқ зиён бўлади.** Олим саломга катта аҳамият беради. Бу ҳақда қатор мақолалар ёзган қилганди. У хоҳ кўнада бўлсин, хоҳ ишхонада бўлсин, салом бермаган одамни уялтирар эди. **Саломга бахиллик ҳаво* белгиси,** **Салом камтарликнинг авло белгиси.** **Кимки инсонлиққа белги қидирса,** **Салом инсонлиқнинг аъло белгиси.** Олим ваъдабозларни қаттиқ танқид қиларди. Оғзида катта ваъдаларни бериб, амалда қўлидан ҳеч иш келмайдиганларга авбсиз эди.

Деди: — Қўлдан келса оби ҳайвон бўл,** **Самода порлаган ёрқин Кайвон*** бўл.** **Дедим: — Бирни узоқ, бири арфона,** **Яхшиин бирорта унга айвон бўл!**

Олимнинг республика матбуотларида одоб-ахлоққа бағишланган қатор мақолалари босилиб турарди. Қисқаси, у илмда ҳам, ҳаётини масалаларда ҳам, катта-кичикка устоз эди.

Адабий бахт сари йўловчи устоз, **Билмаганим аён айловчи устоз.** **Майрифат дурни жойловчи устоз.** Исматулла Абдуллаев менга ҳаддан ташқари меҳрибон эди.

Қачон ва қерда бўлмасин қилган ишларим ва меҳнатларимни қўкка кўтарар, ишхона раҳбарларига ҳам доимо мен ҳақимда илиқ гапларни етказиб турарди. Мени курс, тенгшод, қадрдон дустини кўргандек, қувониб кетарди. Буни эса атрофдагилар ҳам сезмай қолмас эдилар.

Бир кун бир гуруҳ олим йигитлар ўтирган эдик, Исматулла ака кириб қолди. Мен билан қўнқоқлашиб қўришиб, бошқаларга мени мақтадилар. Чикиб кетгач, йигитлардан бири: — Бу одам ишчи нега шунақа яхши кўради? — деб сўраб қолди.

— Янги сизга келган пайтими эди, — жавоб бердим мен. — Институтда хали ҳеч кимни танимас эдим. Жавоб берди мен хондан инқирин хонага китоб ташибган катта ёшли кишини кўриб қолдим. Ҳеч ким унга ёрдам бермас эди. Даров ёнига кирдим. Китоблари жуда кўп экан. Оқиритганга ташиб бердим. Кейин билсам, бу Исматулла ака бўлиб, кўнчилиқ ўтирадиган хондан ёлғи ўтирадиган алоқид хонага кўчаётган эканлар. Иш тугагач: — Исконинг нима, қердан бўласиз? — деб сўриштириб кетдилар. Исматулла ака ўшандан буён мени яхши кўрадилар, меҳрлари тушиб қолган, — дедим.

— Шу арзимас яхшиликка ҳам шунақа яхши кўрадиларми? — деди у.

— Ҳа-да, — дедим унга. — Ахир Лукмони Ҳакимнинг ўз ўлига қилган насихатини эшитмаганимизки? У: «Ўғлим, биринча катта яхшилик қилган бўлсанг ҳам, уни унут, биров сенга кичкина яхшилик қилса ҳам, ёдингдан тўт» деган экан. Хадисларда эса: «Энг кичкина яхшиликка ҳам менсимаслик кўзи билан қарамаган» дейилган. Бу қойдалар олим инсоннинг қонига ҳам, жонига ҳам сингиб кетган.

Шод киши ҳаммамиз қилишин хоҳлар, **Баркамолга қўлишин хоҳлар.** **Айбор феълуга мойил бўлмаки,** **Барчининг айбор бўлишин хоҳлар.**

Маҳмуд ҲАСАНИЙ

* Ҳаво — манмаллик, беҳудалўғлик.
** Оби ҳайвон — оби ҳаёт суви.
*** Кайвон — Сатурн сайёраси.

«ТАШАББУС — 2001»



Изланишга ундайди

«Ташаббуснинг қаноти бор», деб бежизга айтишмайди. Чиндан ҳам бир неча йилдирки мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнестни ривожлантириш, тadbиркорликни рағбатлантириш, қўли гул хўнармандлар номини оламга ёйиш мақсадида ўтказилаётган «Ташаббус» кўрик-танлови аънаъанга айланиб бормоқда.

Айни кунларда пойтахтимиз туманларида ҳам «Энг яхши тadbиркор» — 2001» кўрик-танловлари бўлиб ўтмоқда. Кунини кеча ушбу танлов Юнусов туманида бўлиб ўтди. Тadbиркорнинг ушқоқлик билан ташкил этилганлиги шунда намоян бўлдики, кўрик-танловда иштирок этган тadbиркор ва хўнармандлар ўз маҳсулотларини намуналарини намойиш этиш ҳамда амалга ошираётган ишлари ҳақида батафсил маълумот бериш имкониятига эга бўлдилар. Тadbиркор ва хўнармандларнинг маҳсулотларидан ташкил топган кўргазмани барча томошабин ва тақлиф этил-



ган меҳмонлар қизиқиш билан кўриб чиқдилар. Айниқса, «Деметра», «Арслон ва Исломи» ҳусусий корхоналари, «Ромсервис» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар, уларнинг мамлакатимиз иқтисодий ривожига ҳисса қўшишга интилаётгани, ўз маҳсулотларини хорижга экспорт қилиш режасини тузатишни кўриб мамнун бўласиз. Мана шундай импорт ўрини босувчи маҳсулотлар пойтахтимиз тadbиркорлари томонидан яратилаётгани, улардаги ташаббус, интилиш ва изланиш кишини қувонтириши табиий. Шунингдек, мустақиллик туфайли яратилаётган имкониятлардан кенг фойдаланиб миллий қадриятларимизни улуғлаш асосида бой тарихий меросимиздан урганиб, миниатюра жанрининг ривожига ҳисса қўшаётган қўли гул хўнармандларнинг яратган асарлари ҳам кўрик-танловга қўйилди.

— Палатамизга 2800 нафардан ортиқ ўрта ва кичик бизнес субъектлари, ҳусусий тadbиркорлар аъзо бўлишган, — дейди туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси раиси Хайрулла Холжўяев. — Палатамиз ходимлари ўз имкониятларидан келиб чиқиб уларга йўл-йўриқлар кўрсатади, ҳимоя қилади ва қўллаб-қувватлайди. Бугунги ўтказилаётган «Ташаббус-2001» кўрик-танловимиз ҳам тadbиркорликни ривожлантиришда, уларга мадад беришда имкон яратади, уларни янаям изланишга, ташаббус кўрсатишга ундайди.

Кўрик-танловда 6 нафар тadbиркор ва 5 нафар хўнарманд 3 босқич бўйича беллашилди. Уларнинг ҳар бири чиқишларини ҳайъат аъзолари синчковлик билан кузатиб ҳолис баҳолаб боришди. Айниқса, иштирокчиларнинг ўзларини таништирувчи ва маҳсулотларини реклама қилиш ҳамда тайёрланган тест саволларига жавоб бериш босқичлари уларнинг қандай иш юриштишлари, топқир ва зўқоқликларини синашда қўл келди.

Барча шартлар муваффақиятли бажарилгач, ниҳоят голиблар аниқланди, уларни тақдирлаш маросими бошланди. Туманда «Энг яхши тadbиркор» номини «Ромсервис» масъулияти чекланган жамияти бош директори, голиб Пётр Романов, — харидорларимиз сафи ортиб бормоқда. Бунинг сабаби корхонамизда зарур ва чидамли қилиш маҳсулотлари — турли ранг ва кўринишдаги йўлак гўшлари тайёрлашни йўлга қўйганимиздир. Бизнинг маҳсулотларимиз шу кунга қадар пойтахтимиздаги «SOS — Ўзбекистон болалар маҳалласи», «Олой» бозори, Давлат мулк қўмитаси, Хамид Олимжон майдони, вилоят Марказий банки ва бошқа қўллаб қўрилиш майдонларида муваффақият билан фойдаланилди. Бу йил эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини янада орттираримиз. «Асакабанк» орқали Халқаро молиявий корпорациядан 600 минг АКШ доллари миқдорига кредит олиб хориждан янги технология келтираримиз. Мақсадимиз маҳсулотларимиз экспортини йўлга қўйишидир. Бугунги кўрик-танловдан эса жуда мамнун бўлдик.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу кўрик-танлов тadbиркор ва хўнармандлар учун синов десак ҳам бўлади. Чунки улар бу ерда ўз ишларининг ҳулосасини чиқардилар, янгилик яратишга, ўз устларида кўнб билан ишлашга ўрганадилар.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: кўрик-танловдан лавҳалар.
Сергей Любич олган суратлар.

TRANSPORT

Ижобий ҳал этилса...

Биз Дўмбиробод маҳалласида яшовчилар асосан 7- ва 12-йўналишда катновчи троллейбусдан фойдаланамиз, «16-поликлиника» бекатидан то троллейбуснинг Дўмбирободгача, охириги шохбекатигача 4 та бекат бор. Шу оралиқда 7- ва 12-троллейбуслардан бошқа транспорт йўналиши йўқ.

И-3 тижорат автобуси шу йўналишда Бешёғочдан Отчопарга қатнайдди. Аммо бу автобус нақд пулга хизмат қилади ва йўналишда жуда кам автобус қатнайдди. Йўловчиларнинг аксарияти қўлай бўлиши учун ояллик йўл чипталарига эга бўлганлиги боисидан бу тижорат автобусидан фойдалана олмайдилар.

Йўналишининг шу қисмида, яъни «16-поликлиника» бекатидан охириги Дўмбиробод шохбекатига қадар 7- ва 12-троллейбуслар йўловчиларнинг асабларига тегадиган даражада секин юради. Аҳолига қатнов қулайлигини яратиш

учун биз қуйидагиларни тақлиф қилган бўлардик.

Биринчидан, 80-йўналишдаги автобуслар «16-поликлиника» бекатидан бундиз Жанубий вокзал шохбекатига қатнайдди. «16-поликлиника» бекатидан Жанубий вокзал йўналишида 10 га яқин автобус, троллейбус, йўналишли таксилар қатнайдди ва шу сабабдан 80-автобус йўналишининг шу қисмида йўловчиларнинг бу маршрутга эҳтиёжи кам. Бундан ташқари Жанубий вокзал фаолият кўрсатаётгани ҳам йўқ. Шунини баъта олиб 80-йўналишдаги автобусларни «16-поликлиникадан 7- ва 12-троллейбусларнинг йўналиши бўйича Дўмбиробод шохбекатига қатнайдиган қилинса яхши бўлар эди. Бунда 7- ва 12-троллейбусларга ҳақиқий рақобатчи пайдо бўлар эди.

Иккинчидан, 41-автобус йўналиши шаҳардаги энг қисқа йўналиш бўлиб, 22, 23-мавзедан (Москва остонаси шохбека-

тидан) метронинг «Чилонзор» бекатига қатнайдди. Шу йўналишдаги автобусларни ҳам Дўмбиробод шохбекатига узайтирилса (бу ҳаммаси бўлиб 4 бекат) Дўмбиробод маҳалласидаги аҳолининг метронинг «Чилонзор» бекатидан фойдаланишларини таъминлаган бўлар эди. Ҳозир аҳоли бу қисқа (4-5 бекатни) масофани 2 транспорт билан ўтишга мажбур бўлаётти.

Бундан ташқари бу оралиқда факат 7- ва 12-троллейбуслар қатнаганлиги учун айлрқ ҳолларда (қисқа мuddат бўлса ҳам) электр қуввати бўлмаган қолганда йўловчилар ноқулай аҳволга тушиб қолмақдалар. «Тошхазарийўловчипранс» уюммаси бизнинг тақлифларимизни кўриб чиқиб, имконияти бўлса уни ижобий ҳал қилсалар маҳалла ақли бундан жуда мамнун бўларди.

Маҳалла аҳолиси номидан:
Абдуусмон АБДУЛЛАЕВ,
маҳалла оқсоқоллар кенгаши раиси,
Қосимжон ҲАМДАМОВ,
Тошкент Давлат иқтисодий университети профессори.

Маҳаллада стадион

Хушxabарнинг қаноти бўлади деганларидек ҳамма туманидаги Аҳмаджон Назаров маҳалласида минг ўринли стадион қурилиши бошланганлигини эшитиб, ўша томон йўл олдик.

— Аслида маҳаллада мўжазгина стадион бор эди, — дейди бизга туман ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Шавкат Жавлонов. — Эндилда бу майдон торлик қилиб қолди. Чунки ушбу маҳаллада спортни ривожлантиришга катта эътибор берилган. Хусусан спортнинг миллий кураш, дзюдо, каратэ, баскетбол ва футбол турлари бўйича тез-тез мусобақалар ўтказиб турилади. Утган йили маҳалла футбол командаси мусобақаларида фаол қатнашиб, Тошкент шаҳрида биринчи, республикада эса иккинчи фахрли ўринни эгаллади.

Бизга таъкидлашларича маҳаллада спорт билан ошно иқтидорли ёшлар кўп экан. Таъкидлашларича маҳаллада спорт билан ошно иқтидорли ёшлар кўп экан. Таъкидлашларича маҳаллада спорт билан ошно иқтидорли ёшлар кўп экан. Таъкидлашларича маҳаллада спорт билан ошно иқтидорли ёшлар кўп экан.

— Стадион Наврўз байрамини бизнинг муносиб совғамиз бўлади. Шу кўтлуг айёмда ишга туширилган бу майдонда маҳалланинг байрам тантаналари ўтади, — дейди окскол Собирхожи Комиллов.

Бизни яна бир қувонтирган нарса бунёд этилаётган майдон ҳеч қандай харажасиз, фақат оксколнинг ҳисобидан, унинг ҳомийлигида қурилаётганлиги бўлди.

Шу бахона бизда маҳалла фаолияти билан кенгроқ танишиш истаги туғилди. Шу ўринда бироз орқага чекинмишга тўғри келади. Олдинлари ҳам турли йилларда баъзи сабабларга кўра ушбу маҳаллада бир неча бор бўлишимизга тўғри келган. Уша даврларда у туман маҳаллалари ичида қолиб қолганларди. Аҳолиси гажум маҳаллани қандай қилиб кўтариш, илғорлар даражасига чиқариш мумкин? Шу каби саволлар ҳаммани қийнай бошлади. Жамоа ўйлай-ўйлай бир қарорга келди. Оксколни янгилаш керак. Шундай одам танлаш керакки, у енг ўчида, ҳайбаракаллачилик билан ишламайдиган, ҳақиқий фидойи, жонкуяр, ташкилотчи, бирова сўзи ўтадиган инсон бўлсин. Аҳоли охири бу лавозимга Собирхожи Комилловнинг номзодини танлади. Унинг қаршилигига қарамай оксколликка сайлади.

— Бўлар иш бўлди, энди кўпчилик ишончини оқлашдан ўзга чора йўқ эди. Ана шу мақсадда дарҳол ишга киришдик, — дейди окскол бизга.

Собирхожи Комилловга маҳалланинг моддий базасини яратишда тадбиркорлиги кўл келди. У кўп ўйлаб ўтирмай, ўз раҳбарлигидаги ширкат хўжалигини маҳалла тасарруфига ўтказди. Шу билан маҳаллада тадбиркорликка кенг йўл очиб берди. Халқ банкида маҳалланинг ҳисоб рақами очилди. Унда барча тушумлар, шу жумладан маҳалла ҳудудида жойлашган корхона ва ташкилотлардан, тадбиркорликдан тушган маблағлар сақланади. Бу маблағлар ободончилик ишларига, маҳалла

кор-хайрига, кам таъминланган кўп болали оилаларга, ногиронларга, умуман моддий ёрдамга муҳтожларга сарфланади.

Мана уч йилдирки маҳаллага Собирхожи Комиллов бошчилик қилиб келмоқда. Ушундан бери у аҳоли ишончини оқлаш йўлида садокат билан хизмат қилмоқда. Қўли очик, сажий, халқларвар, тадбиркор бу инсоннинг маҳалладошлари ўртасида обрў-эътибори ошиб бормоқда. У тиним билмайди. Гоҳ ўзи ташкил этган «Комиллобод» ширкат хўжалигига югуради, гоҳ туман йигилишларида қатнашади, маҳалланинг кўндалик фаолияти билан шуғулланади. Ҳаммасига вақт топади. У қисқа муддат ичида маҳаллада шу қадар кенг миқёсли ишлар қилдики, бу юмушларнинг тадбиркорлиги, саҳийлик билан кўрсатган ташаббуси, елиб-югуриши ҳисобига бўлди. Бугунги кунда амалга оширилган қурилишлар, ободонлаштириш ва тарбиявий ишларни бирмабир санаб ўтиш қийин. Шу ўринда янгидан бунёд этилган тикув цехи, сартарошхона, новвойхона, дорихона, автобилларга енгилги қўйиш шохобчаси, савдо нуқталари каби 12 та ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини айтиб ўтиш кифоя.

Оксколнинг ташаббуси билан маҳалла идораси бутунлай янгидан таъмирланди, кўшимча бинолар бунёд этилди. Хотин-қизлар кенгаши, маънавият ва маърифат, ёшлар учун алоҳида-алоҳида махсус жиҳозланган хоналар бунёд этилди.

Маҳаллада тўй-туркумлар учун сақланган асбоб-ускуналар ва жиҳозлар, келин-куёвлар учун махсус либослар сақланган хоналар қурилди. Улар ночор оилаларга, турмуш кураётган ёшларга фойдаланиш учун бепул берилди.

Маҳалланинг «Оксколлар кенгаши», «Маҳалла» жамғармаси раёсатининг қарори билан «Энг тадбиркор маҳалла» кўрик-танловининг голиби бўлиши ҳамда туман маҳаллалари ичида ўтказилган «Энг ибратли маҳалла» танловида биринчилигини кўлга киритиши албатта, юқорида санаб ўтилган ишларга берилган ҳақиқий баҳолидир.

Маҳалланинг келажак режалари ҳам катта. Бу ерда ўнлаб қурилишлар, хизмат кўрсатиш корхоналарини очиб, янги хиёбонлар ташкил этиш режалари тузилмоқда. Шулар қаторида тадбиркорликдан ва бошқа соҳалардан тушган маблағ эвазига маҳалланинг намунавий «XXI аср гузарини» бунёд этишга астойдил ҳаракат қилинмоқда. Албатта, бу хайрли ишларни амалга оширишда оксколга Собир Соқиев, Мирнаби Мирсаидов, Нигмат Алимхўмедов, Отабек Мансуров сингари фаоллар яқиндан ёрдам беришади.

Наврўз айёмида фойдаланишга топширилган стадион эса мана шу яхши ниятларнинг дебюти бўлади. Ҳозирча қурилишда иш қизғин. «Уста Бегали» хусусий фирмасининг директори, тажрибали бунёдкор Аҳмад Исмоилов бошчилигида 15 нафар қурувчи бунёдкорлик ишларини тезкорлик билан олиб бормоқда.

— Суръатни кун сайин ошириб бораёмиз. Шундай қилмасак бўлмайди, чунки оралик муддат яқин, режа бўйича 15 мартга барча юмушларни ниҳоясига етказиб, футбол майдонини ўз эгаларига топширишимиз керак, — дейди Аҳмад Исмоилов.

Бу хайрли ишдан маҳалла футбол командаси аъзолари ҳам четда қолишмаяпти. Улар ўзлари учун бунёд этилаётган ҳар томонлама қулай шароитлар яратилган катта стадионда футбол ўйинини тезроқ бошлаш иштиёқида меҳнат қилишапти.

Маҳмуд КОМИЛЛОВ

СУРАТДА: қурилишдан лавҳа. Сергей Любич олган сурат.



Шу йилнинг 30 мартида соат 15.00 да «Учкун» масъулияти чекланган жамият қатнашчиларининг умумий йигилиши бўлади.

КҮН ТАРТИБИ
1. Масъулияти чекланган жамиятнинг 2000 йил мольвий-хўжалик фаолияти ҳисоботи яқунлари.
2. Жамият тафтиш комиссиясининг текшируви ҳулосаси.
3. «Учкун» МЧЖ негизда компания тузиш тўғрисида.
4. Асосий фондларни қайта баҳолаш яқунлари тўғрисида ва жамият Устав фондиди ўзгартириш.
5. Фойдани тақсимлаш.
Жамият қатнашчиларининг умумий йигилиши қўйидаги манзилда ўтказилади:
Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 53-уй.

Акмал Икромов тумани ҳокимининг 1993 йил 29 октябрдаги 120-сонли қарори асосида рўйхатдан ўтган «Туркистон» жамоа корхонаси, кейин Акмал Икромов тумани ҳокимининг 940-сонли 1999 йил 4 июнь қарори билан қайта номланган «Safam» жамоа корхонаси мулкчилигининг масъулияти чекланган жамият шаклига ўтказилиши муносабати билан мулкни тақсимлаш бўйича бадалчилардан 1 ой ичида эътирозларни қабул қилади.

«Safam» (Туркистон) раҳбарияти

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашр этилган бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаменти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишигиз мумкин.

Газета «Узбекистон Давлат матбуот кўмитасида» 10-рақами билан рўйхатта олинган

Газета «Тошкент оқшомий»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма хонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИ

Азиз ва муҳтарам оналаримиз, қадрли опа-сингилларимизни
Халқаро хотин-қизлар кўни — 8 март байрами билан чин дилдан самимий муборакбод этади!
Оналар ва болалар йилида барчангизга мустақкам сийҳат-саломатлик, аъло кайфият, оилангизга бахту саодат, ишларингизда омад тилайди!

Тўғаллик, эзгулик Сизларга ҳаммиса ҳамроҳ бўлсин!

Велосипедда брейкка тушиш

Америкада «байк брейкинг» деб номланган бу янгилик велосипед акробатикаси билан брейкдансинг кўшилмаси бўлиб, Велобрейкда «чавандоз» ўз танасининг турли ҳаракатлар билан бошқариб қолмасдан, икки филдракли шериги билан ҳам нозик ҳаракатлар қилиши лозим.

Соч қиртишланади

Франциянинг шарқда жойлашган кичик шаҳарлардан бирида ҳар йили сартарошлар ўртасида югуриш бўйича мусобақа ўтказилади. Беллашувда биринчи ўринни эгаллаган ҳам, охириги ўринда қолган ҳам муқофотланади. Фолибинг сочи энг сўнгги усулда турмакланса, охириги ўринни эгаллаган кишининг сочи эса олиб ташланади.

Ўзи дорбоз эмас, лекин голиб

Сан-Франциско шаҳрида гаройиб мусобақа ўтказилди. Баландлиги 95 метрлик мазмунрий бино томининг эни 15 сантиметрлик темирбетон билан ажратилган жойи югуриш йўлкачасига айланди.

Даввогарлар ва чемпионлар 355 метр масофани югуриб ёки тез юриб ўтишлари керак. Бу пайтда уларнинг қўлида лангар ёки белига ҳеч нарса бойланмаган бўлиши шарт. Белгиланган масофага икки дақиқага 26 сонияда босиб ўтган 20 ёшли радиомуҳандис Бинг Роквелл мусобақа голиби бўлди.

Чана ўрнига япроқ...

Полинезиянинг шарқий қисмидаги Туамоту оролларида чана ўрнига пальма япроқини ишлатишади. Япроқча яхшилаб ўрнашиб, олинган бандири маҳкам ушлаб унга бас, кумтениликлардан елдек учиб тушаверади.

Қуймоқни туширмай югур!

Буюк Британияда ҳар йили ўзига хос кросс ўтказилади. Унда фақат аёллар қатнашади.

Мусобақа шартларига кўра, аёллар қўлидаги иссиқ товадаги қуймоқ билан югурадилар. Унда товадан қуймоқни тушириб юбормай маррагача етиб келганлар голиб деб топилади.

Сигир одам

Буюк олимлардан бири одамзот ҳам ҳайвоннинг бир тури, деган экан. Бу фикрни биз тўғрилаб, одамни онгли мавҳудот деб қўя қоламиз. Уша олим Теофило исми эркакнинг ҳаёт тарзини кўрганида инсон ҳам шунақа бўлади, деб ёқа ушлаган бўлариди.

Теофило 10 яшарлигидан бошлаб ўзгара бошлади. У унча-мунча овқатни кўрдум демасди. Кун бўйи фақат овқат ейиш билан машғул эди. Мана қарий 30 йилдирки, у кундузи фақат қавшаниш билан — овқат ейиш билан овера бўлса, кеч тушиши билан худди сигир каби еган овқатларини ҳам қилиш учун қавшаниб ётади. Ана шунақа!

Кесақхўр чол

Дуненинг ишларига қойил қолмасдан илож йўқ. Бу кўнча дунёда сир-синаотлар шунчалик кўпки, қайси бирига қойил қолиши билмай қоламиз.

Жонатан исми чол хозирда 112 ёшда. Лекин унинг бир умр нима билан тирикчилик қилганини билсангиз ишонмайсиз. У гўдакда — бир ёшга етгунича кўрак сўтидан озкулган бўлса, бир яшардан кейин эса овқат емаган. Ҳатто чой ҳам ичмаган. Далада ишлаб юрган чоллариди ҳам фақат кесақ билан тирикчилик қиларди. Ёйр асрдан ортиқроқ яшаб қўйган қария хозир ҳам тежик, далада бемалол деҳқончилик қилиб юраверади.

Муҳаббат ХАБИВУЛЛАЕВА, Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ тайёрлади.

«МАХСУСТРАНС»

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИ

барча тоифадаги ҳайдовчилар ва юк ташувчиларни Тошкент шаҳри ҳудудинда чиқиндиларни четга ташиш бўйича ҳамда туманлардаги автокорхоналарга

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ҳайдовчилар меҳнатига — бир ойда 30 минг сўмгача

Юк ташувчилар меҳнатига — бир ойда 20 минг сўмгача ҳақ тўланади.

«Махсустрас» шунингдек, ташкилотлар, корхоналар ва аҳолига ҳар хил турдаги чиқиндилар ва бошқа юкларни ташиш бўйича ҳам транспорт хизматларини кўрсатади.



Кўрсатилган хизматлар учун ҳақ шартномавий тарифлар бўйича тўланади.



«Махсустрас» ишлаб чиқариш бошқармаси ва «Махсустрас»нинг туманлардаги автокорхоналарига мурожаат қилинг. Улар қуйидаги манзилларда жойлашган:

- «Махсустрас» ишлаб чиқариш бошқармаси — Бекобод даҳаси, санаот ҳудуди — тел. 47-06-70, 47-92-76, 47-02-11
- «Миробод-Махсустрас» автотранспорт корхонаси — 3. Шамсутдинова кўчаси, 42 — тел. 191-41-55
- «Мирзо Улугбек-Махсустрас» автотранспорт корхонаси — Аэродром кўчаси, 5-а — тел. 65-48-19
- «Ҳамза-Махсустрас» автотранспорт корхонаси — 3. Шамсутдинова кўчаси, 42 — тел. 90-65-31
- «Юнусобод-Махсустрас» автотранспорт корхонаси — Юнусобод даҳаси, 17-мавзе, Яланғоч кўчаси, 4 — тел. 23-22-20, 23-55-36
- «Шайхонтоҳур-Махсустрас» автотранспорт корхонаси — Бехзод кўчаси, Қизил торкўчаси — тел. 43-12-19, 43-12-84
- «Яққасарой-Махсустрас» автотранспорт корхонаси — Фарҳод кўчаси, 5-а — тел. 50-92-35
- «Чилонзор-Махсустрас» автотранспорт корхонаси — Проектная кўчаси, 1-а — тел. 79-86-65, 79-96-72
- «Бектемир-Махсустрас» автотранспорт корхонаси — Д. Астонов кўчаси, 31 — тел. 195-03-13
- «Сергели-Махсустрас» автотранспорт корхонаси — Саъдий кўчаси, 232 — тел. 50-98-90, 50-97-54
- «Собир Раҳимов-Махсустрас» автотранспорт корхонаси — Чуқурсой кўчаси, 44 — тел. 48-50-18, 48-51-70
- «Акмал Икромов-Махсустрас» автотранспорт корхонаси — Бекобод даҳаси, санаот ҳудуди — тел. 47-95-23.

«Ўзбек давлат цирки» республика бирлашмаси
Тошкентбўйи Эгамбердиев номи Тошкент давлат цирки Ҳадра майдони

2001 йил 9 февралдан бошлаб циркда биринчи марта **МАСХАРАБОЗЛАР ПАРАДИ КЎЛГИ, КЎЛГИ, КЎЛГИ** УНТА **МАСХАРАБОЗ УНТА** **МАСХАРАБОЗ УНТА** **МАСХАРАБОЗ**

ХАЛҚ АРТИСТИ ОЛЕГ ПОПОВНИНГ МАКТАБИ
ўргатилган ҳайвонлар шитирисиди икка бўлганда иборат ранг-баранг дастур

Цирк ҳафтаига уч кун ишлайди.
Томошалар: жума кунлари соат 18.00, шанба ва якшанбада 12.00, 15.00, 18.00 да бошланади.

Жамса бўлиб келин учун талабномалар қабул қилинади. Чипталар цирк кассалари ва туман кассирлари томонидан сотилади. Ҳақ турлича усулда тўлашни мумкин. Касса эрталаб соат 9 дан ишлайди.
Маълумот учун телефонлар: 144-35-91, 144-29-04.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИЙ»
Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъинларни, таваллуд кунларни, тўйлар, юбилейлар муносабати билан кутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида бритади.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун тел.номери: 133-28-95.
Факс: (3712) 133-29-09.

МАЪСУЛИЯТИМIZ: МАТБУОТЧИЛАР: КҮЧАСИ, 32-УЙ, 2-КАВАТ, 204-ХОНА.

Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги 26-мактаб томонидан 1990/91 ўқув йилида Юсуф Сайдиалиевич Гагиев номига берилган ўрта маълумот тўғрисидаги № 485883-рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси Мирзо Улугбек тумани 36-оилавий поликлиника бош врачси О.Ж. Юсуповага волидаи муҳтарамаси **САНЛАЛАТ** аянинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.